

ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕХНАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1881,3 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 11105 кишига ёки 0,6 фоизга кўпайди.

2018 йил январь-июнь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Туғилганлар	16157	16240	83	17,6	17,5
Ўлганлар	4351	3861	-490	4,7	4,2
Табиий ўсиш	11806	12379	573	12,9	13,3
Никоҳлар	6112	6031	-81	6,7	6,5
Ажралишлар	927	888	-39	1,0	1,0

2018 йилнинг январь-июнда туғилганлар сони 16240 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (16157 киши) нисбатан 83 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 17,5 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (17,6 промилле) нисбатан 0,1 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Ғиждувон (19,8 дан 18,9 промиллега), Бухоро (16,5 дан 15,2 промиллега), Қоровулбозор (18,6 дан 16,3 промиллега), Когон (20,8 дан 19,9 промиллега), Ромитан (17,9 дан 17,1 промиллега), Вобкент (17,7 дан 16,7 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январь-июнда ўлганлар сони 3861 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (4351 киши) нисбатан 490 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,2 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-июнида – 4,7 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши фақатгина Қоровулбозор туманида (3,0 дан 3,8 промиллега), қолган барча туманларда камайиш кузатилди.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январь-июнда ФХДЁ органларида 6031 та никоҳлар ва 888 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,5 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 6,7 та) ва 1,0 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида 1,0 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3051 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4325 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1274 кишига (2017 йилнинг шу даврида - минус 1142 киши) тенг бўлди.


Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шаҳрида (минус 1155), Когон шаҳрида (минус 136), Ғиждувон (минус 550) туманларида кузатилди.

¹⁾ дастлабки маълумот

2018 йил январь-июнь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати (ҳар 1000 кишига)




Доимий аҳоли сони ¹⁾ (2018 йил 1 июль ҳолатига, минг киши)




Тузилган никоҳлар сони ¹⁾ (январь-июнь ойларида)

(бирлик)



Никоҳдан ажралишлар сони ¹⁾ (январь-июнь ойларида)

(бирлик)



¹⁾ Дастлабки маълумот